

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Навоий вилоят Навбаҳор туман **СЭО ва ЖСБ**

номидан узининг “низоми” асосида иш юритувчи рахбар **Ф.Ш.Бахромов** бир томондан, кейинги ўринларда

“Пудратчи” деб юритиладиган **TAMIRLASH-ORNATISH-XIZMAT KORSATISH МЧЖ** номидан “Устав” асосида иш юритувчи **Ш Ачилова** иккинчи томондан, **Навбаҳор туман СЭО ва ЖСБ** биносини жорий таъмирлаш ишлари учун мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойиҳага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади. Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади; вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар; беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига **Навбаҳор туман СЭО ва ЖСБни биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун 299 172 280 ( Икки юз туксон туккиз минг бир юз етмиш икки минг икки юз саксон )сўм** бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи” га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, энг яхши танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “ 17 ” июнь даги 101182-сон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар 15%ҚҚС ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 299 172 280

(Икки юз туксон туккиз минг бир юз етмиш икки минг икки юз саксон) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас,

қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кузда тутилган ҳоллар бундан мустасно); объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий

наҳрларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи

ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган

ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва

ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига

мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш; қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш; қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш; қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш; мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага – иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига

ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ихро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;  
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 12 кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (Ўттиз) фоизи миқдоридан аванс ўтказилади, бу 89751684 сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.
16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва

- улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.
- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 10 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ(ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун

қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### Х. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### ХІ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда,

Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган езурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун

Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёrlари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектеурилишназорат"

инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада

ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **иқтисодий суди** томонидан кўриб чиқилади

## XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувалари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоблашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати **“31” декабр 2022-йилгача** ҳисобланади.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### “Пудратчи”

##### “Буюртмачи”

ТАМИРЛАШ-ЎРНАТИШ-ХИЗМАТ КўРСАТИШ МЧЖ”

Навбахор туман СЭО ва ЖСБ

(ижрочининг номи)

(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзили: **Навбахор туман**

**Манзили: Навбахор туман Бешрабод МФЙ**

Навбахор маҳалласи

тел\факс: 99899 749 77 71

тел\факс: 56-2-14-41

х\р: 20208000005105316001

ш\хв 100022860122307074110054002

Банк: Халк банк

Банк номи: Т.Шахар М. Банк ХККМ

МФО: 00710

МФО: 00014 ИНН: 200020935

ОКОНХ

ОКОНХ: 71200




Ғазначилик бўлим номи: Навбахор тумани бўйича

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 306596440

ИНН: 201122919

Рахбар:  Ш Ачилова

(ф.и.о.)



Рахбар: Ф.Ш.Бахромов

(ф.и.о..)



ТОМОНЛАР:

ТА'МИНЛАШ


ТА'МИНЛАШ

ТА'МИНЛАШ

Рахбарнинг ўрнида:

Ф.Ш.Бахромов

Қўлёғи





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№

**1. Loyihaning turi:**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:**

**PUDRAT SHARTNOMASI No \_\_1**

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

**Navbahor tuman sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati. 20.06.2022 y.**

Huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra,

**XULOSA:**

Keyingi o‘rinlarda “Buyurtmachi” deb yuritiladigan Navoiy viloyat Navbahor tuman SEO va JSB nomidan uzining “nizomi” asosida ish yurituvchi raxbar **F.Sh.Baxromov** bir tomondan, keyingi o‘rinlarda “Pudratchi” deb yuritiladigan TAMIRLASH-O‘RNATISH-XIZMAT KO‘RSATISH MCHJ nomidan “Ustav” asosida ish yurituvchi **Sh Achilova** ikkinchi tomondan, Navbahor tuman SEO va JSB binosini joriy ta’mirlash ishlari uchun mazkur pudrat shartnomasini tuzdilar.. Ushbu shartnoma loyihasi kelishuvi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-684-son Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-son “O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari

to'g'risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori talablari asosida tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz Bosh yuriskonsulti**

**M.A.SHOMUROTOV**

**20.06.2022 yil**



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 101182 на приобретение Навбахор туман СЭО ва ЖСБ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

Способ проведения электронный

Дата 17.06.2022

Время рассмотрения 17.06.2022 15:57

Конкурсная комиссия Навбахор туман Давлат санитария эпидемиология маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	BAHRONOV FAXRIYOR SHERALIYEVICH	Бошлиқ	СЭО ва ЖСБ
<b>Секретарь комиссии</b>	NAVBUZOV UYGUNJON TASHKULOVICH	Врач ёрдамчиси	СЭО ва ЖСБ
<b>Член комиссии</b>	SAFAROV ERGASH YULDASHOVICH	ХИМ	СЭО ва ЖСБ
<b>Член комиссии</b>	DAVRANOVA NAZIRA SAIDOVNA	Врач	СЭО ва ЖСБ
<b>Член комиссии</b>	JUMAYEVA GULANDOM JALILOVNA	Врач	СЭО ва ЖСБ
<b>Член комиссии</b>	KOMILOV UMIDJON BAXRIDDIN O'G'LI	Врач	СЭО ва ЖСБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.06.2022 года № лота 101182.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Код 4232200 Навбахор туман СЭО ва ЖСБ биносини жорий таъмирлаш харажатлари учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	299 172 280.00
Стартовая сумма	299 172 280.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 1 йиллик молиявий фаолияти тўғрисида маълумотнома. Солиқ органларига топширилган бухгалтерия баланиси молиявий натижа ва статистика бошқармаларига топширилган йиллик хисоботлари

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Солиқдан қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома (асл нусхасидан) кучирма. 2. Корхона Низоми ва гувоҳномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	20	30	20	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	20	Барчаси мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №2 ЛСХда кўрсатилган иш хизматларни сифатли бажариш. Корхонанинг батафсил тижорат таклифи, Корхонанинг давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси (ташкilotнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда), иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида ваколатли орган томонидан имзоланган маълумотнома (Бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармалардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома). Иштирокчининг банклардан қарздорликлари ва (картотека-2) йўқлиги тўғрисида маълумотнома. Корхонада ишловчи ходимлар тўғрисида маълумотнома (курилиш ходимлар тўғрисида буйруқдан кучирма), Корхонанинг моддий техникавий ба

Тип: Текстовое значение

Описание: Навбахор туман СЭО ва ЖСБни биносини жорий тамирлаш харажатлари учун

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	20	30	19	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	20	Барчаси мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №3 1. Солиқдан қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома (асл нусхасидан) кучирма. Корхона Низоми ва гувоҳномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Навбахор туман СЭО ва ЖСБ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	35	30	34	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	35	Барчаси мавжуд	30	Экспертная		

Критерий №4 Итер ходимлари рўйхати ва диплом нусхалари. Машина механизмлари тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар. Ташкilot томонидан қилинган ишлари бўйича қабул қилиш далолатномалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Навбахор туман СЭО ва ЖСБ биносини жорий таъмирлаш харажатлари учун

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	25	30	24	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	25	Барчаси мавжуд	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	299 172 280.00	299 172 280.00	16.06.2022 14:42:42	19.99
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	299 172 280.00	298 950 000.00	16.06.2022 15:48:44	20.00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	77.6	19.98514	97.58514
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	68.8	20	88.8

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 101182 от 17.06.2022 года на приобретение Навбахор туман СЭО ва ЖСБ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш определила победителем:

"TA'MIRLASH-O'RNATISH-XIZMAT KO'RSATISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat  
306596440

и резервный исполнитель: FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ (302689747)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BAHRONOV FAXRIYOR SHERALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SAFAROV ERGASH YULDASHOVICH	Согласен	хужжатлар тулик булиш керак
Член комиссии	DAVRANOVA NAZIRA SAIDOVNA	Согласен	
Член комиссии	JUMAYEVA GULANDOM JALILOVNA	Согласен	
Член комиссии	KOMILOV UMIDJON BAXRIDDIN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП